



6-маъруза


**ШАХС МОДЕЛЛАРИ: ТАЪЛИМ
ЎҚУВ РЕЖАЛАРИДА
МАҚСАДЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ, ЎҚИТИШ
МАҚСАДЛАРИ ТАКСОНОМИЯСИ**

Доц.Киличева Ф.Б.

Режа :

- 1. Ўқув мақсадларини белгилаш.**
- 2. Ўқув мақсадларини назорат ишларига ўтказиш.**
- 3. Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш.**
- 4. Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш.
даражасини аниқлаш. Блум таксономияси.**
- 5. Дастурлаштирилган таълим технологияси.**






Анъанавий ўқув жараёнида биз кўпроқ ўқитувчининг маҳоратига суяниб самарага эришишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун эса педагог маълум тажриба орттирган бўлиши талаб этилади. Педагогик технологиянинг асоси эса лойиҳалаштиришдир. Ана шу аниқ лойиҳалаштирилган дастур педагогга самарали натижага эришиш имконини туғдиради.



Бундай лойиҳа асосида иш олиб бораётган педагог катта педагогик тажрибага эга бўлмаса-да, юқори самарага эриша олади. Биз биламизки, педагогик технология бу аввалом бор аниқликка эга бўлган ва қатъий, илмий лойиҳалаштирилган жараёндир.




Педагогик технологияларнинг ишланишида асосий эътибор охириги натижага қаратилган бўлади ва қуйидаги изчилликда ишлаб чиқилади:


1. Аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларни гуруҳларга ажратиш



2. Ўқув мақсадларини назорат иши ва тест вазифаларига ўтказиш



3. Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш



4. Натижани баҳолаш ва ўзлаштириш даражасини аниқлаш



5. Дастурли таълим

Педагогик технологиялар анъанавий таълимдан тубдан фарқ қилган ҳолда тузилади. У ўзаро ёпиқ циклни ва ўзаро изчил боғлиқликни тақозо этади.

Аниқлаштирилган мақсадлар педагогга назорат ишини белгилашда, баҳолашда ва усулларни аниқлашда катта имкониятлар яратади. Барча боскичлар бир мақсадга бўйсунди ва юқори натижани кафолатлайди.



Анъанавий таълим қуйидаги изчилликда ташкил этилади:

Умумий мақсадни
аниқлаш



Усулларни аниқлаш



Назорат ишини
белгилаш



Баҳолаш

АҚШ ва Англияда ўқитувчи ва талабалар учун алоҳида аниқлаштирилган мақсад режалари тузиш қабул қилинган

Ўқитувчилар учун тушунтириш, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, ўргатиш кабилар назарда тутилса,

талабалар учун эса, талаба дарс охирига бориб нимани билиши, ишлай олиши, қўллай олиш керак деган йўналишда тузилган.

Дарсдан олдин билмаган ва дарс давомида ўрганиб, уни қўллай оладиган вазифалар белгиланган.

Аниқлаштирилган мақсадли лойиҳада ўқитувчи аниқ тушунлардан фойдаланиши лозим. Бунинг учун у аниқ ва мавҳум тушунчаларни ажрата олиши керак.

Мавҳум тушунчалар:	Аниқ тушунчалар:
1. Ўрганмоқ.	1. Белгилаб чиқмоқ.
2. Танишиб чиқмоқ.	2. Гуруҳларни ташкил қилмоқ.
3. Кўриб чиқмоқ.	3. Ажратиб олмоқ.
4. Тушунмоқ.	4. Тузиш.
5. Ёддан айтиб бермоқ.	
6. Масала ечмоқ.	

Ўқув жараёнини ташкил этишдаги биринчи қадам бу ўқув мақсадларини аниқлаш ҳисобланади. Бугунги кунда биз дарснинг мақсадини қандай белгилаймиз? – деган савол албатта ҳаммани қизиқтиради.



Биз бугунги кунда дарснинг мақсадини умумий ҳолда белгилаймиз ва шунинг учун ҳам эришган натижамизни баҳолашда қийналамиз. Бундай умумий мақсадни белгилаш педагогик технологияни қониқтира олмайди. Педагогик технологиялар дарс мақсадини белгилашда ҳам аниқлик бўлишини талаб этади. Аниқ мақсадларни белгилаш назорат ва баҳолаш ишини енгиллаштиради ва бу жараёнга ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам педагогик технологияларни қўллашдаги биринчи қадам бу аниқлаштирилган мақсадларни ишлаб чиқишдир деган хулосани беради.



Мақсадга эришиш йўлини ва усулларни танлаш

Ҳозирги кунда республикамизда тест вазифаларини ўртача ўтказиш нормативлари ишлаб чиқилган. Албатта бу тестлар ҳар бир ўқув даргоҳи мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўтказилиши ҳам назарда тутилган

1. Жорий назорат:
10-15 саволдан
иборат бўлиб, унга
10-15 минут
ажратилади.

2. Оралиқ назорат:
25-30 савол, 30-40
минутни ўз ичига
олади.

3. Яқуний назорат:
50 савол, 1-1,5
соатни ўз ичига
олади.

Бундан ташқари фаннинг йўналишидан келиб чиққан ҳолда ва талабалар даражасидан келиб чиққан ҳолда тест турлари, шакллари танланиши лозим. Тест турларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

***Эслаш, ёдда
сақлаш,
таниш***

каби психик
жараёнларнинг
боришини
таъминловчи
тестлар. Улар
мустаҳкамлаш
ва текшириш
вазифасини
бажаради.

***Ўзлаштиришнинг
репродуктив
даражасини
ўлчовчи***

тестлар. Талаба ўз
билимларини
намунавий яъни
ўрганган ҳолатида
қўллай олиши талаб
этилади.

Бу тестларни
ишлашда талаба тўрт
хил психологик
операцияни бажариши
лозим:

- а) формулани эслаш;
- б) тенгликларни эслаш;
- в) шунга ўхшаш мисолларни эслаш;
- г) мисолни эслаш.

Продуктив тест тури

Бундай тестни ечишда талабадан ижодий ёндашув талаб этилади. Бундай тестни ечиш учун талаба 5-6 та операцияни бажариши лозим. Бу тест мантикий фикр юритишни ва изчилликни талаб этади. Бунинг учун ўқув жараёнида ечилган машқлардан бир оз бошқачароқ (намунавий бўлмаган) вазифалар танлаб олиниши керак бўлади.



Изланувчан – ижодий тест тури

Маълумки ижод - бу қандайдир янги ечимни топишдир. Бунинг учун бу тестда стандарт бўлмаган вазифалар берилади. Бу мураккаб тест бўлиб, ижодни ривожлантиришда ва иқтидорли талабаларни танлаб олишда ишлатилади.

Тестларнинг шаклига кўра ҳам уларни бир қанча гуруҳларга ажратиш мумкин

» 1. *Ёпиқ тестлар*

Бу тест шарт ёки сўроқ ва бир қанча жавоблардан тузилган бўлиб, биттаси тўри жавоб ҳисобланади. Унинг ёпиқ тест дейилишига сабаб, талаба ўзининг тўри жавобини бера олмайди. У фақат мавжуд жавоблардан биттасини танлаши мумкин. Бундай тестларни тузишда юзакиликдан эҳтиёт бўлиш керак ва жавоблар тузаётганда мантиқийлик ва таҳлилга асосланиши лозим.

» 2. *Очиқ тестлар*

Бу тестда шарт ва сўроқ берилади. Жавоб эса талаба томондан мустақил равишда топилади. Бунда энг муҳим ўзак сўз тушириб қолдирилиши мумкин, ана шу ўзакда эса сўз топилиши лозим.



» **3. *Муносибликни танлашга қаратилган тестлар***

Бу тестлар ажратиш ва жой – жойига қўйиш каби операцияларни бажаришда ишлатилади.

» **4. *Изчилликни ўрнатишга бағишланган тест***

Бунда тартибсиз берилган элементлар изчил кетма – кетликда жойлаштирилиб чиқиши керак.



Б.Блум таксономияси мавҳум тушунчаларни баҳолашда нималарга эътибор қаратиш лозим деган саволни ёритишга ёрдам беради. Агар ўқитувчи мавҳум тушунчаларни қўллаган бўлса у Б.Блум таксономиясидан фойдаланиши мумкин. Таксономия тушунчаси ўзаро изчил алгоритмик боғланган тизимни билдиради. Ушбу таксономиядан ҳам баҳолаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Б.БЛУМ таксономияси

Тушунчалар	Характеристика
1. Билиш	Терминларни, фактларни, белгиларни билиш,
2. Тушуниш	классификациялаш. Ўз сўзлари билан тушунтира олиш.
3. Қўллаш	Билимлардан фойдалана олиш.
4. Анализ	Элементларга ажрата олиш.
5. Синтез	Умумлаштира олиш.
6. Баҳолаш	Мавзуга нисбатан ўз фикрини билдириш.